



«ТАСДИКЛАЙМАН»
Пахтакор педагогика колледжи директори
ўринбосари Ш. Болтаев

«12» май 2022 йил

Пахтакор педагогика колледжи биносини жорий таъмирлаш ишлари учун танлов
ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 01

2022 йил 12 май

Пахтакор т.

Пахтакор педагогика колледжи рахбари З.Шодмоновнинг 2022 йил «16» март №13-сонли
бўйруғи билан тасдиқланган ички танлов комиссияси аъзолари куйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Болтаев Шерзод – рахбар, танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Қўшанов А.	-	ўқитувчи
Ражабов М.	-	хўжалик мудири
Кўчимов Ф.	-	директор ўринбосари
Шодмонов С.	-	ўқитувчи
Рузмонов Э.	-	ўқитувчи

Кун тартиби:

2022 йил 26 апрелда Пахтакор педагогика колледжи биносини жорий таъмирлаш ишлари
учун товар хомашё биржасига 189 144 518 сўмлик №76717-сонли эълон жойлаштирилган бўлиб,
эълон 2022 йил 07 май куни тугаган.

Якунланган танлов натижалари бўйича 07 май куни мажлис баённомаси ўтказилиб унда
Шоҳруҳ Голд Жиззах МЧЖ томонидан берилган таклиф комиссия аъзолари томонидан ғолиб деб
топилиб, танлов баённомаси электрон имзо билан тасдиқланган. Танлов баённомаси бўйича 2 иш
куни ичida эътиroz ва шикоятлар бўлмаганлиги сабабли ғолиб ташкилот билан шартнома тузиш
лозим деб топилди.

Қарор қилади:

- Танловда “Шоҳруҳ Голд Жиззах” МЧЖ ғолиб деб топилсин.
- Танлов ғолиби “Шоҳруҳ Голд Жиззах” МЧЖ билан Пахтакор педагогика колледжи биносини
жорий таъмирлаш бўйича шартнома тузишга рухсат берилсин.

Кўчимов Аҳмад Болтаев
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Ражабов Муҳаммадjon Бормур
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Кўғилев Рахидидин Ходор
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Шодмонов Султон Муҳаммад
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Рузмонов Эмурод Ессе Бор
(Ф.И.Ш.) (Имзо)

Пахтакор т.

“12” май 2022 йил

Пахтакор педагогика колледжи (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбари З.Шодмонов ва «SHOXRUX GOLD JIZZAX» МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Ш.Файзулаев мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кура мазкур шартноманинг 1.2.-бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриягини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриягини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қўйидаги ишларни бажариш мажбуриягини олади: **Пахтакор педагогика колледжи биносини жорий таъмирлаш ишлари.**

Курсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил “12” майга қадар пудратчига зарурий лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриягини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материаларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% бунак маблағи ўтказилган кундан бошлаб 30 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни бажарилган ишлар далолатномаси (форма-3) имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига олдиндан шартнома умумий қийматининг 30 % и микдорида бунак туловларини амалга оширади. Буюртмачи таъмирлаш ишлари бошлангандан сўнг маълум бир вақт ичida тутатилган ишларнинг шу қисми учун бажарилган ишлар далолатномаси (форма-3) асосида пудратчига маблаг ўтказиб беради ёки томонларнинг ўзаро келишувига асосан ишлар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар учун охирги ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материаларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани түгрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриклиш буйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги ҳуқукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 2.1-бандида курсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичida ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул

қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлиар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби буйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган заарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартнома ўз ичига Пахтакор педагогика коллежи биносини жорий таъмирлаш ишларини олиб, умумий баҳоси ҚҚС билан 185 000 000 (бир юз саксон беш миллион) сўмни ташкил қиласди. ҚҚС: 24130435

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисоб-варағига пул маблагларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тұлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тұлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирилаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчилиқда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишига топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишида расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужожатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боялиқ бўлмаган сабаблар буйича таъмирлаш ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргалиқдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тутатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгаририш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова Яисди номи

10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«SHOXRUX GOLD JIZZAX» МЧЖ

(пудратчининг номи)

Манзил: Жиззах ш, Маданият кучаси

Тел./факс+99891 198-81-88

х/р: 20208000105049306001

Банк номи: Асака банк АТБ Жиззах филиали

СТИР: 306296521

МФО: 00140

Рахбар

Файзуллаев Ш.
(лавозими) (Ф.И.Ш.)



Аббасов А.

«Буюртмачи»

Пахтакор педагогика коллежи

(буюртмачининг номи)

Манзил: Пахтакор тумани, Боғишамол ҚФЙ
Э.Холматов кўчаси 1-й

Тел./факс +99893 307-66-55

ШХВ: 400910860082287092600251001

Ташкилотнинг СТИРИ: 207031956

Фазначилик бўлинмаси номи

Пахтакор тумани бўйича фазначилик
бўлинмаси

ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шахар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Фазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Буюртмачи
рахбари:

Шодмонов З.
(лавозими)(Ф.И.Ш.)



Аббасов А.

1962498



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SHOXRUX GOLD JIZZAX" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsnинг – tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'lq nomi)

"SHOXRUX GOLD JIZZAX" MChJ

(Yuridik shaxsnинг qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.04.2019

706957

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

306296521

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, ZIOL MFY MADANIYAT KO'CHASI,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'lq nomi):



O'zbekiston Respublikasi

Advokatlar palatasi

Jizzax viloyat hududiy

boshqarmasi

"SEVINCH" advokatlar hay'ati



Палата адвокатов

Республики Узбекистан

Территориальное управление

по Джизакской области

коллегия адвокатов "SEVINCH"

708000, Jizzax shahar, Islom Karimov ko'chasi, Telefon/faks: (88) 188-19-75

2022 йил 12 май

116

-сон

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мен, Жиззах шаҳар "SEVINCH" адвокатлар ҳайъати адвокати А.Ахмирзаев, лицензия GZ № 000121, тақдим қилинган Пахтакор педагогика колледжи номидан раҳбари З.Шодмонов буюртмачилигида, "SHOXRUX GOLD JIZZAX" МЧЖ номидан раҳбари Ш.Файзуллаев пудратчилигида улар ўртасида имзоланаётган 2022 йил 12 майдаги №12/05/01-сонли 185.000.000 (Бир юз саксон беш миллион) сўмлик Пахтакор педагогика колледжи биносини жорий таъмиглаш ишларини бажариш тўғрисидаги пудрат шартномаси мазмуни билан танишиб чиқдим.

Ушбу шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-685 моддалари ва Узбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонунининг 13, 24-34, 36-моддалари талаблари асосида тузилган.

Юкоридагиларга кўра ва Узбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасига асосланиб,

ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

Пахтакор педагогика колледжи номидан раҳбари З.Шодмонов буюртмачилигида, "SHOXRUX GOLD JIZZAX" МЧЖ номидан раҳбари Ш.Файзуллаев пудратчилигида улар ўртасида имзоланаётган 2022 йил 12 майдаги №12/05/01-сонли 185.000.000 (Бир юз саксон беш миллион) сўмлик Пахтакор педагогика колледжи биносини жорий таъмиглаш ишларини бажариш тўғрисидаги пудрат шартномаси Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-685 моддалари ва Узбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонунининг 13, 24-34, 36-моддалари талаби асосида тузилган.

Адвокат


A.Ахмирзаев